

ЎЗБЕКИСТОН СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ ВАЗИРЛИГИ

ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ

ВИТАМИН ПРЕПАРАТЛАРИ

(Ўқув-услубий қўлланма)

Тошкент 2013

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ ВАЗИРЛИГИ

ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ

«ТАСДИҚЛАЙМАН»
Илмий кенгаш раиси
ТТА ректори, академик

Ш.И. Каримов _____
« ____ » _____ 2013й.

ВИТАМИН ПРЕПАРАТЛАРИ

(Ўқув-услубийқўлланма)

Тошкент - 2013

Тузувчилар : З.З.Хакимов - ТТА фармакология кафедраси т.ф.д., профессори
Т.Б. Мустанов - ТТА фармакология кафедраси т.ф.н.,доценти
Л.А.Пайзиева - ТТА фармакология кафедраси катта ўқитувчиси

Тақризчилар: Р.Т.Туляганов биологик фанлар доктори – Тошкент Фармацевтика институти фармакология ва клиник фармация кафедраси доценти
А.В. Ёқубов т.ф.д., профессор – ТТА клиник фармакология кафедраси мудири

Ўқув-услубийқўлланма ТМАнинг фармакология кафедрасида кўриб чиқилди ва муҳокама қилинди,

баённома № _____ 2013й.

ТМА нинг Тиббий – биологик ва фундаментал фанлар бўйича циклопредмет секциясида кўриб чиқилди ва чоп этишга тавсия этилди

баённома № 9 09.04. 2013 й.

ТМА нинг марказий услубий ҳайати томонидан кўриб чиқилди ва чоп этишга тавсия этилди

баённома № 10 18.06.2013й.

ТМА нинг Илмий Кенгашида кўриб чиқилди ва тасдиқланди,

баённома № 11 26.06.2013й.

Методик тавсиялар тиббиёт ўқув юртлирининг барча факультет бакалавр талабалари ва магистрлар учун мўлжалланган.

Витаминларни модда алмашинувида қатнашиши кўп жихатдан уларнинг кўпчилиги коферментлар ёки уларнинг таркибий қисми эканликлари билан боғлиқдир. Аксарият витаминлар организмда синтезланмайди. Одатда овқат маҳсулотлари уларнинг манбаидир. Факат витамин D₃ (ультрафиолет нурлар таъсирида терида) ва никотинамид (триптофандан) организм тўқималарида синтезланади. Қатор витаминларни (витамин К ва бошқалар) йўғон ичакда микроорганизмлар хосил қиладилар.

Маълум шароитда, кўп ёки кам даражада, витаминлар етишмовчилиги (гиповитаминоз, авитаминоз) ривожланиши мумкин. Етишмовчиликни энг кўп сабаби овқат маҳсулотларида витаминлар кам бўлишидир. Бундан ташқари овқат хазм қилиш тракти функциясининг патологик ўзгариши витаминлар сўрилишини бузиши мумкин. Қатор ҳолатларда гиповитаминоз организмни витаминларга бўлган эҳтиёжини ортиши туфайли ҳам юзага келиш мумкин (масалан: хомиладорлик, тиретоксикоз, истмалаш, безгак). Витаминлар етишмаслигининг асосий сабаблари қуйидагилардир:

- **ЭКЗОГЕН:** Организмга киришини камайиши, овқат маҳсулотларини нотўғри тайёрлаш, овқатланиш меъёрини бузилиши, хомиладорлик, инфекциялар, лактация, ақлий ва жисмоний зўриқиш, экстремал омиллар таъсири, дориларни (антибиотиклар, сульфаниламидлар, гормонлар, диуретиклар, сурги воситалари) қабул қилиш.
- **ЭНДОГЕН:** МИТ хасталиклари, жигарни жароҳатланиши, туғма паталогиялар, витаминларни ўзаро таъсирини бузилиши.

Витаминлар етишмовчилигини бартараф этиш керакли витаминлар, сабзавотлар, ҳайвонот маҳсулотлари тутган пархезни қўллашдан иборатдир. Бу шубҳасиз гиповитаминозларни бартараф этишнинг энг қулай ва содда йули, чунки овқат таркибида витаминлар комплекси бўлади. Аммо бунда витаминларни дозасини белгилаш қийин бўлади. Агар витаминларни сўрилиши бузилган бўлса овқат маҳсулотларни қўллаш самарасиздир.

Гипо- ва авитаминозларни даволашда фармацевтик корхоналар ишлаб чиқараётган витамин препаратлари муҳим ўрин тутади. Улар кўп жихатдан қулайдир. Аввалом бор уларни ишлаб чиқариш йил фасилларига боғлиқ эмас. Витамин препаратларини аниқ дозалаш мумкин. Агар энтерал қўллаш керакли натижа бермаса уларни парентерал қўллаш мумкин. Аммо витамин препаратлари билан захарланиш (айниқса ёғда эрувчи витаминлар) гипервитаминоз ривожланиши мумкинлигини ҳисобга олиш зарур.

Витамин препаратлари 2 гуруҳга бўлинади: (1 ва 2 жадваллар):

1) сувда эрувчи витамин препаратлари

2) ёғда эрувчи витамин препаратлари

1. жадвал. Сувда эрувчи витаминлар.

Харф билан белгиланиши	Номи ва синоними	Таркибига витаминлар кирувчи коферментлар номи	Катталарнинг кунлик эҳтиёжиг	Дори препаратлари
1	2	3	4	5
B ₁	Тиамин (антиневритик витамин, аневрин)	Тиамин пирофосфат	1.2	Тиамин бромид Тиамин хлорид

B ₂	Рибофлавин (ўсиш стимулятори)	Флавин мононуклеотид (ФМН), флавинадениндину клеотид (ФАД)	1.3	Рибофлавин
PP	Никотин кислотаси Никотинамид (ниацин, пеллаграга қарши витамин, витамин –B ₃)	Никотинамид- адениндинукле- отид (НАД), Никотинамид- адениндинукле- отид фосфат (НАДФ)	16.0	Никтин кислотаси Никотинамид
B ₅	Пантотен кислотаси	Кофермент А	5.0	Кальций пантотенат
B ₆	Пиридоксин (адермин)	Пиридоксаль фосфат	1.6	Пиридоксин гидрохлорид
B ₁₂	Цианокобаламин (анемияга қарши)	Кофермент B ₁₂ Метилкобаламин	0.001- 0.002	Цианокобаламин
Bc	Фолиев кислотаси (фолацин, птеро- илглутамин кис- лотаси, анемияга қарши витамин))	Тетрагидрофолиев кислотаси	0.4	Фолиев кислотаси
C	Аскорбин кисло- таси (цингага, скорбутга қарши витамин)	*	60-100	Аскорбин кислотаси
P	Биофлавоноидлар (ўтказувчанлик витамини)	—	30-50	Рутин Кверцетин

* оксидланиш – қайтарилиш система таркибига киради.

Баъзи витамин препаратларидан ташқари, витаминсимон бирикмалар ажратилган. Уларга холин, липоев кислотаси, оровот кислотаси, пангамов кислотаси, инозит, парааминобензой кислотаси, карнитин ва витамин U мансубдир.

Сувда эрувчи витаминлар

Препарат	Фармакологик ҳоссалари	Қўллашга кўрсатмалар
Тиамин	Седатив, кардиотоник таъсирга эга, ичак моторикасини кучайтиради, меъда беиз секретиясини мўтадиллаштиради, мионеврал синапсларда кўзғалишни ўтказилишига ёрдам беради.	Метаболик ацидоз, аритмия, гипотрофия, алкоголизм, полиневрит, меъда яра касаллиги
Кокорбок силаза	Фосфор алмашинувини муҳим таркибий қисми бўлган фосфор қолдиқларини олиб ўтишда қатнашади, миокардни қон билан таъминланишини ва оксидланиш қайтарилиш жараёнларининг кечишини миокарда яхшилади, уни қисқаришини оширади.	Аритмиялар, метаболик ацидоз, тож-томирларда қон айланиши етишмаслиги, невритлар.
Рибофлавин	МНС кўзғалишини пасайтиради, кўзни ёруғлик нурларини синдирувчи муҳитларини фаолиятини мўтадил бўлишини таъминлайди, қоронғуликка адаптацияни тезлаштиради, эпителий регенерациясини рағбатлантиради, меъда ширасини ажралишини кучайтиради, сафро ажралишини кучайтиради.	Кератидлар, конъюктивитлар, гемеролопия, трофик яралар, экзема, қизил бўрича, карахтлиқ, миокард инфаркти, ўткир гепотитлар
ФАД (фловин аденин динуклеотид)	Оқсил ва ёғ алмашинуви маҳсулотларини оксидланишини бошқаради, водородни молекуляр кислородга ўтказади.	Анемиялар, гликозидлар билан захарланиш, миокард дистрофияси, гипоксиялар.
Никотин кислотаси	МНСда тормозланиш жараёнларини кучайтиради, томирларни кенгайтиради, эритропоэзни, меъданинг, меъдаости безининг, жигарни секретор функциясини оширади. МИТ моторикасини кучайтиради; Турли хил моддаларни детоксикация жараёнида қатнашади, қонни фибринолитик фаоллигини оширади.	Пеллагра, томирлар спазми, жигарнинг ўткир ва сурункали хасталиклари, нурланиш хасталиги, захарланишлар.
Калций пантотенат	АКТГ ва самотроп гормонларини, картикоостероидларни ҳосил бўлишини рағбатлантиради. КоА таркибига киради, ацетил холинни синтезида, углеводлар ва ёғлар алмашинувида қатнашади	Полиневритлар, невралгиялар, экзема, куйишлар, трофик яралар, бронхитлар, ичак атонияси, қон айланишини етишмаслиги
Перидоксин	Эритропоэз ва гемоглобин синтезини рағбатлантиради, диурезни оширади, антиоксидант таъсирга эга, серотонин, ГАМКни ҳосил бўлишини бошқарувчи ферментлар таркибига киради.	Оқсил алмашинувини бузилиши (нур ва куйиш хасталиги), гипохром анемия, атеросклероз, парезлар, параличлар, жароҳатлар, ҳомиладорлик токсикози

Аскорбин кислотаси	Томирлар девори ўтказувчанлигини камайтиради, гиалурон кислотасини синтезида, коллагенлар ҳосил бўлишида ва буйрак усти беши пўтлок қавати гормонларини синтезида қатнашади; Жигар микросомаларида захарлар ва дориларини зарарсизлантириш жараёнида, фолиев кислотасини тетрагидрофолиев кислотасига айланишида қатнашади; Углеводлар алмашинувини бошқаради; Жигарда гликоген миқдорини оширади; тиол гуруҳига кирувчи ферментларни турғунлаштиради; катехоламинларни оксидланишини тормозлайди; лейкоцитларни фагоцитар фаоллигини, антителалар ишлаб чиқаришни оширади.	Ўткир ва сурункали инфекциялар, нур хасталиги, травмалар, геморогик диатез, юрак, ўпка, жигар, меъда-ичак тракти хасталиклари, захарланишлар
Р гуруҳи витаминлари (рутин, кверцетин ва бошқа флавоноидлар)	Қон томирлар деворларини орگان ўтказувчанлигини камайтиради, қалқонсимон без функциясини мўтадиллаштиради, меъдада яра ҳосил бўлишига қаршилик кўрсатади, гиалуронидаза фаоллигини сусайтиради, гистамин синтези ва ажралишини камайтиради.	Геморогик диатез, ревматизм, полиартрит, нур хасталиги, септик эндокардит, аллергик хасталиклар.

Витаминлар ва кофермент препаратларининг биологик аҳамияти. Сувда эрувчи витаминлар

Витаминлар	Кoferментлар	Биологик таъсири
В ₁ (тиамин)	Кокарбоксилаза	Тиамин пирофосфат кофермент бўлиб, альдегид гуруҳларини ташувчиси ҳисобланади.
В ₂ (рибофлавин)	ФАД, ФМН, Фловинат	Хужайраларнинг нафас олишида қатнашади.
В ₃ (РР, никотин кислотаси)	НАД ва НАДФ	Оксидланиш ва қайтарилиш жараёнида қатнашади.
В ₅ (Пантотен кислотаси)	Кофермент А (КоА)	Ацетил гуруҳларини олиб ўтишда қатнашади.
В ₆ (Пиридоксин)	Пиридоксал фосфат	Амино гуруҳларни олиб ўтказувчи
В _c (Фолиев кислотаси)	Тетрагидрофолиев кислотаси	Метил гуруҳларини олиб ўтувчиси, РНК ва ДНК синтезида қатнашади.
В ₁₂ (Цианокобаламин)	Метилкоболамин, дезокси аденозил коболамин	Алчил гуруҳларини олиб ўтувчиси, нуклеотидлар синтези.
С (Аскорбин кислотаси)	—	Оксидланиш – қайтарилиш ва гидроксилланиш жараёнларида қатнашади.
В ₁₅ (Калций пангомат)	—	Метил гуруҳларининг донатори, калций ионларини тутати. Тўқималарда кислородни ўзлаштиришни оширади
U (метил метионин сулфонхлорид)	—	Метил гуруҳларининг донатори ҳисобланади.

2. Жадвал. Ёғда эрувчи витаминлар.

Харф билан белгилаши	Номи ва синоними	Катталар учун тахминий кунлик эхтиёжиг	Дори препаратлари
А	Ретинол (оксерофтал, ксерофтальмияга қарши витаминлар)	0.8 – 0.1 мг (4000 – 5000 ХБ)	Ретинола ацетат (палмитат) балиқ ёғи
D ₂	Эргокальциферол (рахитга қарши витамин)	10 мкг (400 ХБ)	Эргокальциферол Балиқ ёғи
D ₃	Холекальциферол (рахитга қарши витамин)	<<	Холекальциферол
Е	Токоферол (бепуштликка қарши витамин)	15 мг	Токоферол ацетат
K ₁	Фитоменадион (филлохинон, геморагияга қарши витамин)	40-80 мкг	Фитоменадион
K ₂	Менахинон(геморагияга қарши витамин, фарнохинон)	<<	

10 мкг эргокальциферол 400 ХБ келади. Одамларда витамин D₂ ва D₃ тахминан бир хил самарадолига эга.

ХБ — ҳалқаро бирлик

ЁҒДА ЭРУВЧИ ВИТАМИНЛАР

Препарат	Фармакологик хоссалари	Қўллашга кўрсатмалар
Ретинол ацетат	Қоронғуликда кўришни кучайтиради, эпителий функционал ҳолатини яхшилайдди, қалқонсимон, буйрак усти беши фаолиятини рағбатлантиради; Ўсиш жараёнини, самототроп гормонларини ишлаб чиқаришини оширади, радопсин, РНК ва ДНК, оқсиллар ва ферментлар синтезида қатнашади.	Ксерофталмия, гемеролопия, куйиш, музлаш, колит, тери хасталиклари
Эргокальций ферол	Суяк тўқималари ҳосил бўлиш жараёнини тезлаштиради, қон босимини оширади, гипофиз, буйрак усти, қалқонсимон без фаолиятини кучайтиради, калций сўрилишини оширади, пешоб таркибида фосфатлар ажралишини камайтиради.	Рахитни, тишлар кариеси профилактикаси ва даволаш, суяклар синишида
Такоферол ацетат	Ҳомиладор бўлиш ва ҳомилани ривожланишини таъминлайди, гонодотроп гормонларини ишлаб чиқарилишини рағбатлантиради; жигарнинг антитоксик функцияси, кўкрак беши секрециясини оширади, қон ивишини сусайтиради; тўқималарда кислоталарни ўзлаштиришни яхшилайдди,	Бирламчи ҳомила тушиши, мушаклар дистрофияси, меъда яра касаллиги, трофик яралар, жигар церрози, нефрит, тромбоблибит, периферик томирлар спазми.

	биомембраналар таркибига кирувчи тўйинмаган ёғ кислоталарини оксидланишдан сақлайди; глицерофосфатлар ҳосил бўлишини рағбатлантиради, креатинни креатининга айланишини тезлаштиради, миозин, актиномиозин, АТФ миқдорини оширади, оксиллар ва стероидлар алмаши- нувини тормозлайди.	
--	--	--

**Витаминлар ва кофермент препаратларининг биологик аҳамияти.
Ёғда эрувчи витаминлар**

Витаминлар	Коферментлар	Биологик таъсири
А (Ретинал ацетат)	—	Кўз нерви охиридаги таёқчаларни қўзғатади, эпителийни ўсиш ва дифференцировкасини кучайтиради, оксил ферментлари синтезида қатнашади, иммунологик ҳимоя учун зарур
Е (Токоферол ацетат)	—	Ҳаёт антиоксидант, электронлар транспортини таъминлайди (мембрана липидларини ҳимоялайди).
Д (эргокальций ферол)	—	Кальций ва фосфор алмашинувини назорат қилади, суякларни ремодуляциясини таъминлайди.
К (викасол)	—	Корбоксилланиш реакцияларида кофактор, электронларни олиб ўтилишини таъминлайди.
Липоев кислота	—	Пируватни ацетил КоА ва СО ₂ гача трансформацияланиш аэроб жараёнини фаоллаштиради.
Карнетин	—	Ёғ кислоталари қолдиқларини митохондрияларнинг ички мембраналаридан олиб ўтишини таъминлайди.

ВИТАМИНЛАРНИ КЛИНИК ҚўЛЛАНИШИГА КўРА ТАСНИФИ

Таъсири	Таснифи	Витаминлар номи
Умумий реактивликни ошириш	МНСнинг функционал ҳолатини, модда алмашинувини ва тўқималар трофикасини бошқаришади.	В ₁ , В ₂ , В ₃ , В ₆ , В ₁₂ , А
Антиинфекцион таъсир	Антителалар ишлаб чиқарилишини рағбатлантиради, фагоцитоз ва эпителийни ҳимоя функциясини кучайтирадилар, токсинларни зарарсизлантиради.	А, С, В гуруҳи
Антианемик	Гемопоезни мўтадиллаштиради ва рағбатлантиради.	В _с , В ₂ , В ₆ , В ₁₂ , С
Антигеморогик	Томирларни ўтказувчанлигини ва резистентлигини мўтадиллаштирадилар, қон ивишини оширади.	К, Р, С
Антигипоксик	Тўқималар гипокциясини камайтиради, антиоксидант таъсирини намоён этадилар.	Е, С, В ₆ , В ₁₅
Антиатероген ва липотроп	Липолитик таъсир	РР, В ₃ , В ₆ , В ₁₅ , липоев кислотаси
Кўришни бошқариш	Кўриш аппарати функциясига таъсир этади	С, В ₂ , А
Тери эпителийси ҳимояси	Тўқималар трофикасини мўтадиллаштиради ва рағбатлантиради	А, В ₂ , В ₃ , В ₆ , С
Тўқималар регенерациясини кучайиши	Оксиллар, мукополисахаридлар, липидлар синтезини бошқаради, мембранал ўтказувчанлигига ва тўқималардаги оксидланиш – қайтарилиш жараёнларига таъсир этадилар.	С, Р, А, U
Раҳитга қарши	Кальций ва фосфор алмашинувини мўтадиллаштирадилар	Д, С, Е, А, В ₃

1.Сувда эрувчи витаминлар препаратлари.

Бу гуруҳга салмоқли миқдор витаминлар мансуб, шу жумладан В гуруҳ, С витамин ва бошқалар (1. жадвалга қаранг)

Тиамин (витамин В₁) буғдой уни, греч, нўхот кепагида хамиртуруш ва бошқа ўсимлик ва хайвонот махсулотларида кўп миқдорда бўлади.

Тиамин ичакдан сўрилиб фосфорланади ва тиаминпирофосфатга айланади (тузилишига қаранг). Бу шаклда у кетокислоталарнинг (пироузум α-кетоглютар) декарбоксилазалари учун ҳамда глюкозани пентофосфат йўлида парчаланишида иштирок этувчи транскетолазлар учун кофермент бўлади.

Тиамин етишмовчилигида углеводород алмашинуви кескин бузилади, кейинроқ метаболизмнинг бошқа турлари ҳам ўзгаради. Қон ва тўқималарда пироузум кислоталри тўпланиб қолади.

В₁-гиповитаминозлари полиневрит, мушаклар холсизлиги, сезишни бузлишига олиб келади. Ушбу витамин етишмовчилигининг оғир даражасида (бери-бери хасталигида) парез ва параличлар ривожланиши мумкин. Юрак томир системаси функцияси ҳам бузилади. Кўпинча тахикардия, юрак дилатацияси ва шишлари билан кечувчи юрак етишмовчилиги ривожланади. Диспепсик ўзгаришлар кузатилади.

Тиамин тузларини парентерал(мушакга) киритганда препаратнинг қонга ўтган миқдори етарли даражада юқори бўлади. Уларни ичакда сўрилиши чекланган. Мухитнинг юқори ишқорлигида тиаминни парчаланишини ҳисобга олмоқ керак. Тиаминни маълум миқдори тўқималарда тўпланади(деполанади) тиамин ва уни алмашинуш махсулотлари организмда буйрак орқали ажралади.

Тиаминни уни етишмовчилигида, невритларда, невралгияларда, парезлар, радикулит, кўпгина тери хасталикларида, ҳамда меъда-ичак тракти, юрак томир системасининг паталогик ҳолатларида қўлланилади.

Амалиёт учун тиамин бромид ва тиамин хлорид¹ чиқарилади (ичилади ва парентерал киритилади). Тиамин препаратларини қўллаганда захарли таъсир юзага келмайди. Баъзан аллергия реакциялар кузатилади.

Рибофлавин² (витамин В₂) катта миқдорда жигар, буйрак, тухумлар, сут махсулотлари, хамиртуруш, бошоқли донларда бўлади.

Ичакдан сўрилиб рибофлавин АТФ иштирокида фосфорланади ва қуйидаги коферменлар шаклига айланади (тузилишига қаранг): ФМН ва ФАД.Иккала кофермент ҳам оксидланиш ва қайтарилиш жараёнларида дегидрогеназа ва оксидазалар таркибида қатнашадилар. Таркибида рибофлавин бўлган ферментларини одатда флавин ферментлари деб аташади.

Рибофлавин етишмаганда ангуляр стоматит (хейлоз) ривожланади – оғиз бурчакларида, лабларда ёриқ ҳосил бўлади. Глоссит (тилнинг сўрғичлари текисланган, тилнинг ранги кип-қизил бўлиб пуштироқ тусга эга бўлади), бурун ва кулоқ супраси олдидаги терининг жароҳатланиши. Васкуляр кератит жуда хос(шох парда атрофида конюктива томирларни кенгайиши). Ёруғликдан кўрқиш кўзнинг ёшланиши кератит кузатилади. Баъзан кўришнинг бузилиши кузатилади(гемералопия). Рибофлавиннинг етишмовчилиги кўпинча камқонлик (анемияга) олиб келади.

Меъда ичак трактида рибофлавин яхши сўрилади. Кўп миқдорда тўқималарда деполанади. Буйрак орқали ажралади.


¹ В₁-гипо- ва авитаминозларда берилмайди. Мушак ва томир ичига кирилади.

² лотинчадана flavus-сарик.


Рибофлавинни унинг етишмовчилигида, ҳамда кератит, конъюктивит, ирит, бир қанча тери ва юқумли касаликларида, нурланиш хасталикларида қўлланилади. Ичишга ва маҳалий қўллашга тавсия этилади. Рибофлавин мононуклеотидни парентерал қўлланилади. Рибофлавинни қўллаганда захарли таъсир кузатилмайди.

Никотин кислотаси ва никотинамидни витамин РР³ деб юритилади. Организмда никотин кислотаси- никотин кислотси амидига айланиши хақида маълумот бор.


Тиаминни икки фосфорли эфиридан иборат кокорбоксилаза (тиамин пирофосфат, котиамин) препарати ҳам чиқарилади. Карбоксилазанинг коферментидир. Юрак ритмининг бузилишлари, тож томирларда қон айланишини етишмовчилигида, турли хил этиологияли ацидозларда, қандли диабет билан боғлиқ бўлган, коматоз ва прекоматоз ҳолатларида қўлланилади.



Тиамин
(Витамин В₁) $R = H$




Тиамин иккифосфат
(фосфат кислотасининг қолдиқлари)




6,7 – диметилизоаллоксавин

Рибофлафин
(Витамин В₂) = H



(Фосфор кислота қолдиғи)


³ Pellagra preventing (ингл.) – пеллаграни олдини олувчи.



Никотин кислотасининг амиди иккита ахамиятли коферментлар(тузилишига қаран): никотинамидадениндинуклеотид НАД (кодегидраза I) ва НАДФ (кодегидраза II) ҳосил бўлишида қатнашади. Дегидрогеназалар билан улар нафаснинг маълум босқичда водород (протонларнинг) ва электролитларнинг акцептори сифатида оксидланиш жараёнидақатнашадилар.

Никотинамид организмда қисман триптофандан ҳосил бўлади. Овқатда витамин PP нинг бўлмаслигида пеллагра ривожланади. Унинг асосий белгилари диарея, дерматит (терининг очиқ жойларининг яллиғланиши ҳосил), деменция¹(ортирилган ақл ноқислиги), бундан ташқари глоссит (тилнинг яллиғланиши), гастрит ва бошқа белгилар кузатилади.

Никотинамид ва унинг кофермент шаклларининг кимёвий тузилишлари



Никотинамидаденин динуклеотид (НАД)



¹ лотинча de – дан, mens – ақл

Никотин кислотаси витаминлик функциясидан ташқари яққол аммо фаол бўлмаган томирларни кенгайтирувчи таъсирга эга. Бу юзнинг қизариши, бош айланиш, қон босимини тушиши, тахикардия ва бошқаларда намоён бўлади. Никотин амид бундай хоссага эга эмас. Никотин кислотаси (қонда холестерин ва эркин ёғ кислоталарини камайтиради) ёғ алмашинувига ҳам таъсир кўрсатади.

Овқат хазм қилиш трактидан никотин кислотаси ва никотинамид яхши сўрилади. Никотин кислотаси ва никотинамидни пеллагра, жигар хасталигида, гипоацид гастрит, тери хасталикларидан энтерал ва парентерал қўлланилади. Никотин кислотасини баъзан томирлар спазмида, ҳамда гипополидемик восита сифатида берилади. Иккала бирикма ҳам камзахар. Никотин кислотаси томирлар реакциясини ривожлантириши мумкин. Уни катта дозаларда давомли қўллаганда жигарнинг ёғли дистрофияси ривожланиши мумкин. Буни олдини олиш учун метионин (жигарда ортиқча ёғни сарфлашга имконият туғдурувчи аминокислота) дан фойдаланиш зарур.

Пантотен кислотаси¹ (витамин В₅) табиатда жуда кенг тарқалган. Айниқса кўп миқдорда у хамиртуруш, жигар, тухум, балиқлар икрасида, бошоқли донларда, рангли карамда бўлиши аниқланган. Пантотенат кислотасини ичак микрофлораси ҳам синтезлайди. Физиологик фаолликка пантотенат кислотасининг ўнга айлантирувчи изомери эга. Организмда у кофермент А ни хосил бўлишида қатнашади. Кофермент А нинг модда алмашинувида ахамияти жуда катта.

У ёғ кислоталарнинг оксидланиши ва биосинтезида, кето кислоталарни (масалан; пирозум, α-кетоглютар) оксидланиш, декорбоксилланишида, лимон кислотасининг (уч карбон кислота циклига қўшилиб), кортикостероидлар, ацетил холин синтезида қатнашади. Кофермент А нинг асосий функцияси шундан иборатки, у кислоталар (ациль) қолдиғининг акцептори ва олиб ўтувчисидир.

Одамларда пантотенат кислотаси етишмовчилиги амалий жихатдан бўлмайди. Агар уни суний йўл билан кўнгиллиларда махсус пархез воситасида чақирилганда чарчоқлик, уқунинг бузилиши, бош оғриғи, диспепсик бузилишлар, парестизия, мушакларда оғриқва бошқа ўзгаришлар кузатилади.

Меъда ичак трактидан пантотенат кислотаси яхши сўрилади. Қатор аъзоларда катта миқдорда аниқланади: юрак, жигар, буйрак, буйрак усти безида. Ўзгармаган холда буйрак (2/3) ва ичак орқали (1/3 қисми) ажралади. Табобат амалиётида кальций пантотенат (ичиш, махаллий ва парентерал) қўлланилади. Препаратни неврит, невралгия, баъзи аллергия реакциялар, нафас олиш аъзолари хасталиклари, яралар, куйиш, ичакнинг операциядан кейинги даврдаги атониясида, стрептомицин препаратлари ва маргумуш бирикмалари захарлигини бартараф этиш учун қўлланилади. Кальций пантотенатни захарлиги паст. Нохуш таъсир сифатида баъзан диспепсик ўзгаришлар кузатилади.

Витамин В₆ номи билан 3 та бирикмани белгилаш қабул қилинган: пиридоксин (пиридоксал), пиридоксаль ва пиридоксамин (тузилишига қаранг). Бутун гурухни номлаш учун одатда биринчи бирикманинг номи – пиридоксин фойдаланилади. В₆ – витамин фаоллигига эга моддалар кўп миқдорда хамиртуруш, бошоқли донлар, дуккакли экинларда, гўшт, балиқ, жигар буйракларда бўлади.

Пиридоксин, пиридоксаль ва пиридоксамин айланадиган асосий кофермент шакли пиридоксаль фосфатдир (бундан ташқари пиридоксамин фосфат хосил бўлади). Пиридоксал фосфат азот алмашинувининг кўпгина жараёнларида қатнашади: аминокислоталарни трансаминланишида, дезаминланишда ва декорбоксилланишда, триптофаннинг олтингурут тутган аминокислоталар, оксиаминокислоталар ва бошқалар







¹Грекчадан pantothen – ҳамма ерда


метаболизмида. Катталарда витамин В₆ етишмаслиги камдан – кам учрайди. У болаларда ривожланиши мумкин (тришиш, дерматит кузатилади). В₆ витаминининг етишмаслик сабаби бўлибизоникотин кислотаси гидрозида грухига мансуб бўлган, пиридоксал синтезини сусайтирувчи, силга қарши препаратларнинг (изониозид ва бошқа) давомли таъсирини ёдда тутмоқ лозим. Агар бунда периферик невритлар ривожланса уларни пиридоксин билан бартарф этилади.

Кўнгиллиларда махсус диета (пархез) ни бериб, суний равишда чақирилган витамин В₆ етишмовчилиги юзда себарейяли дерматит, глоссит, стоматит, тиришиш билан кечади. Пиридоксин киритилгандан сўнг ушбу ўзгаришлар ўтиб кетади. Овқат хазм қилиш трактидан пиридоксин яхши сўрилади. Организмда кимёвий ўзгаришларга дучор бўлади. Унинг метаболитлари буйрак орқали ажралади.


Тиббиёт амалиёти учун пиридоксингидрохлорид ишлаб чиқарилади. Уни никотин кислотаси гидразидлари, антибиотикларни қабул қилиш даврида, кучли жисмоний зўриқиш, хомиладорлар токсикозида ривожланувчи витамин В₆ етишмовчилигида қўлланилади. Препарат паркинсонизмни, невритларни радикулитни, нурхасталигини, енгил ва ўртача даражадаги гепатитлар, кўпгина тери хасталикларни даволашда ишлатилади. У ичилади ва парентерал йўл билан киритилади. Беморлар препарат таъсирини яхши ўтказадилар. Баъзан аллергиялар ривожланади. Пиридоксинга берилган кўрсатма бўйича унинг кофермент шакли бўлган пиридоксальфосфат қўлланилади.

Пиридоксин, унинг аналоглари ва кофермент шакли, фолиев кислотаси ва фолатларнинг кимёвий тузилиши.






Фолиев кислотаси
(птероилглутамин кислотаси)



5,6,7,8 – тетрагидрофолиев кислотаси



Фолин кислотаси
5-формил – 5,6,7,8-тетрагидрофолиев кислотаси

— R:



Фолиев кислотаси¹ (птероилглутамин кислотаси) 3 та тузилиш унсуридан таркиб топган: птереидин унуми, параамин бензой кислотаси ва L-глутамин кислотаси². Фолиев кислотаси энг кўп миқдорда янги ўрилган сабзавотларда (салат, исмалоқ, помидор, сабзи) жигарда, буйрақларда, тухумларда, пишлоқ ва бошқа махсулотларида бўлади: ичак микрофлораси томонидан синтезланади.

Жигарда фолиев кислотаси фаол кофермент шакилга – 5,6,7,8 – парагидрофолиев кислотасига (тузилишига қаранг) айланади. Охиргининг асосий функцияси бир углеродли формиль³, метил, оксиметил ва метилен гурухларни олиб ўтиш ва бириктиришдан иборат. Тетрагидрофолиев кислотаси пуринлар синтезида, билвосита пиримидинлар, кўпгина аминокислоталарнинг алмашинуви, метионин синтези, яъни нуклеин кислоталар ва оксиллар метаболизмида қатнашади. Фолиев кислотасининг етишмовчилигида макроцитар анемия ривожланади. Лейкопения агранулоцитоз, тромбоцитопения бўлиши мумкин. Овқат хазм қилиш тракти жароҳатланиши мумкин (глоссит, стоматит, ярали гастрит юзага келади). Фолиев кислотаси ингичка ичакда сўрилади. Қон зардобидида унинг асосий қисми боғланган ҳолда бўлади. Кўп миқдорда у жигардан деполанади. Юқори концентрацияда орқа мия суюқлигида аниқланади. Фолиев кислотасини макроцитар анемияда ва хомиладорлар металобластик анемиясида ва бошқаларда қўлланилади.

¹ Логинчадан folium – барг, кислотанинг фолиев деб аталиши сабаби шундаки у биринчи марта исмалоқ баргларида ажратиб олинган.

² Фолиев кислотасига яқин бўлган птеров кислотаси ядросини тутган бирикмалар умумий кўринишда “фолатлар” номи билан белгиланган.

³ 5 – формил – 5,6,7,8 – тетрагидрофолиев кислотаси фолин кислотаси номи билан ҳам маълум (цитроворум – омил). Фолиев кислотасининг фаол шаклидандир.



Витамин В₁₂деганда одатда цианокобаламин назарда тутилади (кимёвий тузилишига қаранг). Аммо витамин В₁₂ каби фаолликга кўпгина унинг аналоглари ва цианокобаламиннинг хосиллари (шу жумладан табиийлари ҳам) эгадирлар.

Шундай қилиб витамин В₁₂тушунчаси йиғма характерга эгадир. Витамин В₁₂айниқса жуда катта миқдорда қорамол жигари ва буйрақларида бўлади.

Табиатда фақат микроорганизмлар синтезлайди. Бу услуб саноатда В₁₂ни олишда ҳам қўлланилади.

Витамин В₁₂нинг одамнинг йўғон ичагида ўрнашган микроорганизмлартомонидан синтезланиши В₁₂ витамининг мувозанатига таъсир кўрсатмайди чунки у асосан ингичка ичакда сўрилади. Витамин В₁₂нинг фаол кофермент шакларини (В₁₂⁴ коферментининг метилкобаламиннинг) асосий функцияси - харакатчан метил гурухларини (трансметиллаш жараёни) ва водородни олиб ўтишдир. Ана шу жараёнлар туфайли оксиллар ва нуклеин кислоталар алмашинувига таъсир амалга ошади(метионин ацетатни, дезоксирибонуклеотид ва бошқалар синтезида қатнашиш). Витамин В₁₂ қон, эпителий хужайралар хосил бўлиши, нерв системасини фаолияти (миелинни хосил бўлишида қатнашади), ўсиш ва регенерация жараёни учун зарур. Цианокобаламин етишмаслигида (одатда меъда ва ингичка ичак паталогияси билан боғлиқ цианокобаламинни⁵ сўрилишини бузилиши) мегалобластик анемия (пернициоз ёки хафли, анемия, Аддисон – Бирмер анемияси) ривожланади.



Баъзи витаминлар ва витаминсимон препаратларнинг кимёвий тузилиши




⁴ В₁₂ кофермент цианокобаламиндан циан гурухи ўрнига 5' – дезоксиаденозидга алмашиш билан фарқ қилади. Кимёвий жихатдан 5 – дезоксиаденоилкобаламин деб белгиланган. Табиий кофермент В₁₂ – кобаламид препарати чиқарилади.

⁵ Метилкобаламинда циан гурухи ўрнига метил гурухи мавжуд.

⁶ Цианокобаламинни алиментар авитаминози баъзан каътий вегетарианецларда учрайди (хайвотот махсулотларини истемол қилмайдиганлар)



Аскорбин кислота



Рутин

Овқат хазм қилиш тракти хам жароҳатланади (тил ёрқин қизил рангли, силлик, кимёвий қитиқловчиларга жуда сезувчан бўлиб қолади, меъда шиллик қаватининг атрофияси, ахилия кузатилади.) ва нерв системасининг (парестезия, оғриқ сезилиши, юришнинг бузилиши) бузилишлари кузатилади. Цианокобаламин (Каслнинг ташқи омили) ингичка ичакда сўрилади. Бу уни меъдада “Каслнинг ички омили” билан боғлангандан кейин амалга ошади. “Каслнинг ички омили”гликопротеин бўлиб, цианокобаламинни абсорбцияси учун зарур.

Агар ички омил маълум сабабларга кўра йўқ бўлса (масалан: меъда резекцияси туфайли) цианокобаламинни парентерал киритмоқ лозим. Қон зардобиди цианокобаламин асосан оксиллар билан боғланган холда бўлади. Кўп миқдорда у жигарда деполанади. Кўпроқ овқат хазм қилиш тракти безлари (айниқса сафро билан), хамда буйрак орқали ажралади. Препаратни беморлар яхши қабул қиладилар. Баъзан қон ивишини оширади. Эритроцитлар ва лейкоцитларнинг миқдори одатдагидан ортиб кетса цианокобаламин дозаси камайтиради.


В гуруҳ витаминларга кўпчилик **пангамов** кислотаси ва холин хлоридни хам киритадилар. Аммо уларни витаминсимон моддалар ёки физиологик фаол биологик бирикмалар сифатида баҳолаш тўғрироқ бўлади. Ушбу моддаларнинг етишмовчилигида инсонларда гипо- ёкки авитаминозлар ривожланмайди.

Пангамов кислотаси ва холин хлоридни кофермент шакиллари маълум эмас. Уларнинг биохимик жараёнларда қатнашиши уларнинг метил гуруҳларининг донаторлари эканлиги билан боғлиқдир. Уларни жигар хасталиклари (цирроз, гепатит), атеросклероз, алкоголизмни даволашда қўллашади. Пангамов кислотасинимиокардни дистрофик шикастланишида, стенокардияда хам беришади. Препарат сифатида пангамов кислотасининг калцийли тузи (калций пангамат) ичиш учун чиқарилади.

Аскорбин кислотаси (витамин С) ахамиятли биологик роль ўйнайди. У кўп микдорда сабзавотларда, меваларда, наматакда, қора қорағатда, игна баргли ўсимликларда бўлади. Юқори харорат, кислород, аскарбат оксидаза (ўсимликлар бўладиган фермент), оғир металллар (айниқса мис) таъсирида аскорбин кислотаси парчланади. Инсон организмида у синтезланмайди. Аскорбин кислотасининг асосий таъсири унинг оксидланиш-қайтарилиш жараёнларда қатнашиши билан боғлиқдир. Бундай жараён аскорбин кислотасини дегидроаскорбин кислотасига оксидланиши туфайли амалга оширилади. Бу қайтар жараён бўлиб, водород атомини олиб ўтиш билан кечади.

Аскорбин кислотаси бириктирувчи тўқиманинг (ўзичига мукополисахаридлар гиалурон ва хондриатин сульфат кислоталарини олган), асосий моддасини ҳосил бўлиши ва коллаген синтезида қатнашади. Уларни етишмаслигида томирлар ўтказувчанлигини ортиши ва мўртлашиши, регенерация жараёнларни секинлашиши кузатаилади. Аскорбин кислотаси кортикостероидларни ҳосил бўлишида, тирозин алмашинувида, фолиев кислотасини унинг фаол шакли бўлмиш тетрагидрофолиев кислотасига айланишида, қатор ферменларни фаоллаштиришда қатнашиши аниқланган.

Аскорбин кислотасининг кимёвий тузилиши



L- аскорбин кислотаси

L- Дегидроаскорбин кислотаси

Аскорбин кислотаси етишмаслиги гиповитаминоз ривожланишига, авитаминоз кучли даражасиданга ёки скорбутга олиб келади. Цингада чарчоқлик, тери қуриши, терида геморагик тошмалар (одатда перифоликуляр), милкларни қонаши билан кечувчи гингивит, тишларни қимирлаши ва тушиб кетиши, мушакларга қон қуйилиши, қўл оёқларда оғриқ., ички азоларда бузилишлар (геморагик энтероколит, плеврит, гипотония, юракни, жигар ва бошқаларни шикастланиши), инфекцияларга қарши туриш камаяди, хойнахой иммунитетни шикастланиши туфайли. Аскорбин кислотаси ингичка ичакда сўрилади. Қисман тўқималарда деполанади (айниқса буйрак усти безида кўп аниқланади). Қисман ўзгарамаган, аммо асосан ўзгариш маҳсулотлари (оксалат) кўринишида пешоб таркибида ажралади.

Аскорбин кислотасининг етишмовчилигини олдини олиш ва даволаш учун, қон кетишларида, инфекциялар, кимёвий моддалар билан захарланишда, атеросклероз, нур хасталиги, регенерация жараёни суст кетиш ҳолатларида, жисмоний зўриқишларда, энтерал ва парентерал қўлланилади. Терапевтик дозаларда аскорбин кислотасини беморлар яхши қабул қиладилар, ноҳуш таъсиротлар, асоратлар кузатилмайди. Катта доза давомли қўллаганда меъда ости беши оролчалари аппарати ва билвосита

(картикогестероидларни ортиқча хосил бўлиши туфайли) буйраклар шикастланиши мумкин. Буйракни жароҳатланиши қон босимини ортиб кетишига олиб келади.

Витамин Р биофлавоноидлар¹ гуруҳига мансуб бўлган катор моддаларни жамлайди (кимевий флавоон хосилаларидир). Улар цитруслар, наъматак меваси, қора рангли четан мевасида, кўк чой баргларида ва бошқаларда бўлади. Р витаминнинг асосий таъсири капиллярлар ўтказувчанлигини ва мўртлигини камайтиришдан иборат. Аскорбин кислотаси билан бир қаторда у оксидланиш ва қайтарилиш жараёнларда қатнашади. Р витаминнинг етишмаслигида капиллярлар резистентлиги камаяди. Уни бартараф этиш учун Р витамини фаоллигига эга бўлган препарат берилади. Бундай препаратлар сифатида рутинлар, (маржумакнинг яшил бўтқасидан олинадиган кверцетинни 3-рутинозиди), квертицин, чой ўсимлиги баргидан олинадиган Р – витамин (катехинлар тутуди), цитрус ва бошқа ўсимликлардан олинадиган витамин Р ишлатилади. Р – витамин фаоллигига эга бўлган препаратларни томирлар ўтказувчанлигани ошиб кетиши билан кечадиган патологик ҳолатларда, геморагик диатезларда, капилляртоксикозда (аскорбин кислотаси билан биргаликда) қўллаш мақсадга мувофиқ. ичилади.

Сувда эрувчан витаминсимон моддаларга витамин U² ни ҳам киритиш мумкин. Кимевий жихатдан у метил метионин сульфоний хлориддир. Янги памидорлар, карам, сельдер(кашничсимон ош кўк), сарсабилда катта миқдорда бўлади. Витамин U яраларни битишини тезлаштирувчи хоссага эга. Бундай таъсир уни метил гуруҳлари донатори эканлиги билан боғлиқ деб ҳисоблаш мумкин. Витамин U ни меъда ва 12 – бармоқли ичак яра хасталигида, гастритда, язвали колитларда энтерал қўлланилади.

Ёғда эрувчи витаминларнинг препаратлари.

Бу гуруҳ витаминлари А, D, E, K витаминларни мужассамлаштирадилар (2 жадвалга қаранг).

Витамин А тузилиши бўйича бир-бирига яқин бирикмаларни: ретинол(витамин А-спирт, витамин А, аксерофтол), дегидроретинол(витамин А₂), ретиналь (ретинон, витамин А-альдегид), ретиноев кислотаси (витамин А-кислота) ва уларнинг эфирлари ҳамда фазовий изомерларни ўз ичига олади. Витамин А (пальмитат эфири кўринишада) хайвонлар махсулотларида: балиқ ёғи (треска, палтус, денгиз окуни) жигар, мол сути бошқа сут махсулотларида бўлади.

Хар – хил ўсимликлар ва қисман хайвон махсулотларида А – провитаминлари-каротинлар¹(α -, β -, γ - изомерлар) бўлади. Организмда улар витамин А га айланади.


Энг кўп тарқалган ва энг фаол изомер бу β – каротиндир. Бир молекула β – каротинни ферментатив парчаланиши (гидролизи) иккита молекула витамин А хосил бўлишига олиб келади. Каротин кўп миқдорда сабзи, петрушка, шовул, исмалоқ, қизил мевали четан, наъматак, ўрикларда бўлади.

Витамин А модда алмашинувиге таъсирининг асосий йўналиши аниқланмаган. Эхтимол у оксидланиш – қайтарилиш жараёнларда муҳим роль ўйнайди (жуда кўп тўйинмаган боғлар ҳисобига). Витамин А мукополисахаридлар, оксиллари ва липидлар синтезида қатнашиши ҳақида маълумотлар мавжуд. Витамин А фоторецепсия учун муҳим аҳамиятга эга, чунки витамин А етишмовчилигида қорнғуга адаптация бузилиши ривожланади (бундай ҳолатни гемеролопоия ёки шаб кўрлик деб аталади). Бунинг сабаби қуйдагича: кўзнинг тўр пардасида кучсиз ёруғликка сезгир махсус хужайралар бўлиб

¹ Ўсимликларда бўладиган сариқ ва қовоқ ранг пигментлар, гликозидлар синифига мансубдир

² Витамин U нинг номи лотинча Ulcus – яра билан боғлиқ.

таёқчалар опсин оқили билан боғланган Ретинол (витамин А нинг алдегид шакли) дан ташкил топган ёруғликка сезгир пигмент бор. Ёруғлик нури таъсирида бу комплекс парчаланеди ва кейин нерв импульси ҳосил бўлади. Аввало бир қатор оралиқ махсулотлар бирикмалари ҳосил бўлади. Бу патологик жараён ретинол ва опсин ажралиши билан тугайди. Шундан кейин дегидрогеназа ферменти таъсирида ретинол витамин А гача қайтариледи. Қронғуда витамин А дан кўриш пурпураши шидатли равишда ресинтезланади ва бу паст ёритилган ҳолатда кўз ўткирлигини оширади. Кўз пурпури (родопсин) ни алмашинувини соддалаштирилган асосий босқичлари 1 чизмада келтирилган




1. Чизма. Кўриш пурпури алмашинувини асосий босқичлари.

Витамин А етишмовчилигига гемеролопиядан ташқари шиллиқ қаватлар ва тери эпителийсини шикастлиниш ҳосдир. Бунда ҳар хил кўринишли эпителийлар кўп қаватли яссига айланади. Мугузланиш жараёни кучаяди. Тери қуруқлашади, тугунчасимон тошмалар тошади, тери пўст ташлайди. Кўзнинг шиллиқ пардаси жароҳатланади. Сўлак безларининг сўлак ажратиши камайади. Кўзнинг шох пардаси қуруқлашади (ксерофтальмия²) ва у авитаминоз А да шох пардани юмшаши ва некрозига (кератомалаяция³) олиб келиш мумкин. Оғир ҳолларда кўр бўлиб қолишига сабаб бўлиши мумкин. Бундан ташқари юқори нафас йўллариининг меъда ичак тракти, пешоб ажралиши ва жинсий азолар системасинин шикастланиши мумкин.


² Грекчадан xeros – қуруқ, ophthalmos - кўз.

³ Грекчадан keras –шох, malacia – юмшаш


Баъзи ретиноидларни кимёвий тузилиши




Ретинол (транс-)



Третиноин (транс-)



Изотретиноин (цис-)



Этретинат

Витамин А етишмаслигида тери ва шиллик қаватлар барьерларининг бузилиши организмни инфекцияланишини яллиғланиш жараёнларини ривожланишини осонлаштиради. Яраларнинг грануляцияси, эпителизацияси битиши сусаяди. Авитаминоз А гипохром анемияси ривожланишига олиб келиши мумкин. Инфекцияларга организм резистенлигини ортиши эҳтимол витамин А ни иммунитетга рағбатлантирувчи таъсири билан боғлиқ. Шундай таъсир ўсимталарни ривожланишини олдини олишда хамижобий ахамиятга эга эканлиги инкор этилмайди. Витамин А асосан ингичка ичакда сўрилади. Уни диспергацияланиши ва абсорбцияси учун сафро жавхалари лозим. Шу сабабдан сафро ажралишини етишмовчилигида гиповитаминоз А ривожланиши мумкин. Бундай холатларда витамин А препаратларини парентерал йўл билан киритиш лозим. Сўрилган витамин А лимфа йўллари билан жигарга тушади ва у ерда ретинол пальмитат⁴ кўринишида катта миқдорда деполанади. Қонга ажралган ретинол зардоб оксиллари билан боғланади ва улар уни тўқималарга транспортланишини таъминлайдилар. Организмда витамин А буткул кимёвий ўзгаришларга дучор бўлади. Бунда хосил бўлган метаболитлар ва конъюгатлар буйрак ва ичак орқали ажралади.

Овқат махсулотлари билан киритилаётган каротинлар ичакнинг шиллик қаватида витамин А га айланадилар ана шу вақтдан бошлаб улар биологик фаолликга эришади.

Витамин А ва каротин препаратларини А витамин етишмовчилигини даволаш ва олдини олиш, баъзи тери хасталиклари (мугузланиш жараёнини бузилишида), кўзнинг тўр ва шох пардасининг катор патологик холатларида, куйишни, совуқ олишни даволаш, юқумли касаликлар, меъда – ичак трактининг баъзи патологияларида қўлланилади. Витамин А препаратлари ичишга, мушак ичига киритишга ва махалий қўллаш учун

буюрилади. Миллиграмларда ва халқаро бирликларда (МЕ) дозаланари. 1 мг витамин А да 3300 МЕ (1 МЕ 0.3 мкг га тенг) бор. А витамин фаоллигига эга препаратлар сифатида

¹ Пигмент бўлиб, биринчи марта сабздан олингани учун унга уни номи берилган. Логинчада carota - сабзи

⁴ Ичакга тушгандан то жигарда деполангунча витамин А қатор гидролиз реэстерификация цикллари ўтади.

⁵ Алиментар гипервитаминоз бўлиши мумкин (масалан катта миқдорда витамин А туган оқ айиқ , кит, тюленьнинг жигарини танавул қилганда)

⁶ Суякларнинг диффуз қалинлашиши.

хар – хил дори шакллари чиқарилади: ретинол ацетат ва ретинол пальмитат, витамин А коцентрати, балиқ мойи препарати, чаканда ёғи (таркибида каротин, каротиноидлар ва бошқа бирикмалар бор).

Витамин А ни катта дозаларда давомли қўллаш ўткир ёки сурункали гипервитаминозга¹ олиб келиши мумкин. Ўткир захарланишда бош оғриғи, уйқусираш, кўнгил айнаш, қайт қилиш, ёруғликдан кўрқиш, тришиш кузатилади. Сурункали А гипервитаминозда терининг жароҳатланиши (терининг қуриши, доғлар пайдо бўлиши), сочни тўкилиши, тирноқнинг мўртлашиши, суяк ва бўғинлар оғриши юзага келади, гиперостоз² (айниқса болаларда), жигар ва қора талокни катталашини, диспепсик ҳолатлар, бош оғриғи кузатилади. Гипервитаминозни даволаш витамин А ни қабул қилишни тўхтатишдан иборатдир.

Кейинги икки ўн йилликда ретинол метаболитлари ва унинг синтетик ҳосилалари катта даражада диққатни ўзига тортди. Бу гуруҳ моддаларни ретиноидлар номи билан аташадилар. Улар хужайралар ядросида жойлашган ретиноев кислотасига сезгир бўлган махсус ретцепторларга таъсир этадилар. Ретиноидлар бир қатор тери хасталиклари – акне(хусунбузар), псориаз, кератизация жараёнини бузилишида (масалан ихтиозда) ва бошқаларда самарадор эканлиги кўрсатилган. Кўпгина препаратлар суртмалар, кремлар, лосьонлар, гель, эритмалар кўринишида махаллий қўлланилади. Третиноин (ретиноев кислотаси, весаноид)улардан биридир. Унинг шифобахш таъсири ёғ безларини секерециясини камайиши, кератинизацияни мейёрлашиши яллиғланишни камайиши билан боғлиқ. Эпидермис орқали препаратнинг 10% камроғи ўтади, шунинг учун резорбтив таъсир ривожланмайди. Кўпроқ акнени даволашда қўлланилади. Акнени ривожланишида *Propionibacterium acnes* қатнашини инобатга олиб ретиноидларни кўпроқ антибиотиклар(тетрацилин, эритромицин) билан биргаликда қўлланилади. Третиноинни махаллий қўллашда ноҳуш таъсир сифатида махаллий яллиғланиш(қизариш), терининг қуриши ва шўрлашиши кузатилади.

Системали таъсир кўрсатиш учун третиноиннинг весаноид препарати мавжуд. Акнени оғир кечишда резорбтив таъсирли ретиноидлар, айтиқса изотретионин(роаккутон) берилди. У ёғ безларини функциясини тўхтади ва улар ҳажмини камайтиради. Препарат меъда – ичак трактидан яхши сўрилади. Биологик ўзлаштирилиш даражаси -20%. Юқори даражада қон зардоби оқсиллари билан боғланади. $t_{1/2} = 10-20$ с. Жигарда метаболитлар ва конъюгатлар ҳосил бўлади. Изотретионин ва унинг парнчаланиши махсулотлари жигар ва буйрак орқали ажралади. Изотретионинни ичилади. Махаллий қўллаганда у самарасиз.

Бир қатор ноҳуш таъсирларни юзага келтиради:шиллик қаватлар ва терини қуриши (шу жумладан кўзнинг ҳам), қичишиш, алопеция, миоптия, артралгия ва бошқалар. Экспрементда изотретионин ва кўпгина бошқа ретиноидлар тератоген таъсир кўрсатадилар. Шу сабабдан туғиш ёшидаги аёлларга препаратни тавсия этишдан аввал хомиладор эмасликларини аниқ билиш зарур.Бундан ташқари даволашни бошлашдан 1 ой аввал, даволашни бутун даврида ва уни тугатгандан 2 ой кейингача контрацепцияни 100% таъминлаш зарур. Ретинолни синтетик ароматик ҳосилаларига этретинат(тигазон) мансубдир. У овқат хазм қилиш трактидан яхши сўрилади. Биологик ўзлаштирилиш даражаси -50%. Асосий хоссалари бўйича препарат изотретионинга ўхшаш. Юқори

¹ Алиментар гипервитаминоз бўлиши мумкин (масалан: катта миқдорда витамин А туган оқ айиқ, кит, тюлень жигарини тановул қилганда)

² Суякларни дифуз қалинлашиши.

липофилликка эга. Организмда узок муддат (2-3 йилгача) ушланиб қолади. $t_{1/2} \approx 100$ кун. Организмда этретионатдан фаол метаболит ацитретин¹ ($t_{1/2} \approx 2$ кун) хосил бўлади. Аммо у эстерификацияланиб қайтадан этретионатга айланади. Изотретионинга қараганда кўпроқ алопеция, терини шўрлашиши, жигар функцияларини бузилиши, гиперлипидемияни юзага келтиради; энг тахликали нохуш таъсири бу тератогенлик хоссаси билан боғлиқ.

Ретиноидларга бўлган қизиқиш нафақат уларни дерматологик амалиётида мувоффақият билан қўлланиши билан боғлиқ. Бу гурух препаратларини хар-хил ўсма хасталикларини даволаш ва олдини олишда ҳам истиқболлиги эканлиги кўрсатилган. Бу тери раки ва рак олди холатлари, кўпгина гемобластозлар, ҳамда баъзи салмоқли ўсмаларга тегишлидир. Аммо ретиноидларнинг бластомаларга қарши фаоллиги кенг мақомда синчиклаб тадқиқот ўтказишни талаб этади. Самарадорлиги юқори ва безарар янги ретиноидларни излаб топиш давом этмоқда.

Витамин D гурухига эргокальциферол (витамин D₂) ва холекальциферол (Витамин D₃) киради. Витамин D катта миқдорда тунец (оқунлар оиласига мансуб йирик йиртқич балиқ), треска, палтус (камбола балиғининг бир тури) жигари ёғида бўлади. Сигир сути ва тухум сариғи мўътадил D – витамин фаоллигига эга. Витамин D₂ ва D₃ табиий провитаминларга эга. D₂ витамин учун бу ўсимликлар стеринига мансуб бўлган эргостерин, D₃ – витамин учун жониворлар тўқимларида, шу жумладан терида бўладиган 7-дегидрохолестерин. Фотоизмеризация туфайли провитаминлар тегишли витаминларга айланади. Жумладан ультрафиолет нурлари таъсирида терида 7 – дегидрохолестериндан витамин D₃ хосил бўлади.


D гурухи витаминлари прогормонлар бўлиб, улардан гормонларга мансуб бўлган фаол метаболитлар хосил бўлади. Холекальциферолнинг одам организмида метаболизми қуйдаги босқичлардан иборат:




¹ Ацитретин (неотигазон) дори препарати кўринишда ишлаб чиқарилади.

Холекальциферолнинг энг фаол метобалити, ўз хоссалари бўйича гормон бўлган кальцитриол (рокальтрол) хисобланади. У хужайра ичидаги специфик (ўзига хос) бўлган рецепторлар¹билан боғланади ва кўпгинатўқималарда кальций алмашинувини бошқаради. Кальцифедиол, холекальциферолнинг циркуляциядаги асосий метаболитидир. Альфакальцидол холекальциферолнинг синтетик аналогидир. Жигарда у кальцитриолга айланади. Кальцитриолнинг синтетик аналоги кальципотриол (псоркутан) препаратидир. Ўсимликларда эргостеролдон хосил бўлувчи эргокальциферол организмга тушгач холекальциферолга хос бўлган метаболизм босқичларини босиб ўтади. Витамин D гуруҳ моддаларни модда алмашинувиغا таъсири ҳар-хил бўлиб, асосан кальций (Ca^{2+}) ва фосфат(HPO_4^{2-})метаболизмида намоён бўлади. Витамин D нинг асосий таъсиридан бири (бу гуруҳнинг фаол бирикмалари ҳам назарда тутилмоқда)шундан иборатки, у ичак эпителийси ўтказувчанлигини кальций ва фосфат учун оширади ва қонда уларнинг керакли концентрацияси таъминланади. Бундан ташқари витамин D суяк тўқимасининг минерализациясини бошқаради. Унинг етишмаслигида рахит, остеомаляция ва остеопороз ривожланади. Шу билан бир қаторда витамин D назорати остида кальцийнинг суяк тўқимасидан мобилизация жараёни ҳам туради, бу унинг ўсиши учун оптимал шароит яратиш учун ҳам лозим.


Баъзи ёғда эрувчан витаминлар ва уларнинг аналогларининг кимёвий тузилишлари



Эргокальциферол




Токоферол ацетати



Фитоменадион

¹Мембраналарда калцитриолга (D-гормонга) рецептлар мавжудлиги тўғрисида маълумот бор.



Викасол

Фосфатларни организмда керакли концентрациясини таъминлашда витамин D нинг уларни буйрак найчаларида реабсорбциясини (қайта сўрилиши) ошириши маълум ахамиятга эгадир. Кальций ва фосфат алмашинуви нафақат витамин D билан, балки паратгормон ва тирокальцитонин билан ҳам бошқарилади.

Кальций алмашинувига таъсир этишдан ташқари, холекальциферол ва унинг метаболитлари тери кератиноидларини пролиферациясини тормозлайди ва улар дифференцовкасини фаоллаштиради.

Витамин D ни болаларда етишмовчилиги рахитни ривожланишига олиб келади (суякларнинг охакланиши бузилади, умуртқа поғонасининг ва кўкрак қафасининг деформацияланиши мумкин, кўпинча оёқлар), қийшайиб қолади, тишларнинг чиқиши кечикади, мушакларни гипотонияси кузатилади, боланинг умумий ривожланиши оқсайди. Катта ёшдагиларда гиповитаминоз остеомаляция¹ ва остеопороз ривожланишига олиб келиши мумкин.

Витамин D ингичка ичакда сўрилади. Лимфа таркибида жигарга ва умумий қон айланишига тушади. Қон зардобиди ҳар-хил аъзоларга унинг транспортини таъминловчи α-глобулин билан боғланади. Витамин D суяклар, ёғ тўқимаси, жигар, ингичка ичак шиллиқ қаватида ва бошқа тўқималарда деполанади. Витамин D ва унинг алмашинувида хосил бўлган махсулот асосан ичак, камроқ буйрак орқали ажралади. Такидлаш жоизки витамин D ни дозаси ошириб юборилганда ўткир ёки сурункали захарланиш (D-гипервитаминоз) ривожланиши мумкин. У суякларни патологик деминерализацияси ва буйрак, томирлар, юрак, ўпка, ичакда кальцийни тўпланишдан иборат бўлади. Бу тегишли аъзо функциясини бузилиши билан кечади ва ўлимга олиб келиши мумкин. (масалан буйрак етишмовчилиги ва шу сабабли уремиядан). МНС ҳам сезиларли даражада зиён кўради. Унинг белгилари жуда турли: бўшашганлик ва уйқучанликдан тортиб, то безовталаниш ва тришишгача бўлади. D – гипервитаминозни даволаш витамин D ни қўллашни тўхтатиш ва кортикостероидлар, витамин E, магний ва кальций препаратлари, аскорбин кислотаси, ретинол, тиамин қўллашдан иборат бўлади.

Табобат амалиётида эргокальциферол, кальцитриол, альфакальцидол, холекальциферол², кальцифедиол қўлланилади. Балиқ мойи ҳам D витамин фаоллигига эга. Ушбу препаратни асосан рахитни даволаш ва олдини олиш учун қўлланилади. Бундан ташқари уларни суяк системасининг (остеодистрофиялар) баъзи хасталиклариди, жаррохликда – суяк қадоғини хосил бўлишини тезлатиш учун, қалқонсимон беши олди етишмовчилигида, тери ва шиллиқ қаватларнинг “бўрича” хасталигида, кальципотриол (псоркутан) псориазда суртма кўринишида махалий қўлланилади. Витамин D₃ нинг фаол метаболитлари жуда кенг тарқалган остеопорозни даволашда қўллаш катта этибор қозонди. Ушбу хасталик суякларнинг мўртлашиши туфайли уларнинг синиш эхтимолини ортишида намоён бўлади. Остеопорознинг келиб чиқиш сабаблари турли туман.

¹ Суякларни юмшатиш грекчадан – остеон – суяк, malakos – юмшоқ.

² Витантол препарати ишлаб чиқарилмоқда.

Бу эндокрин ва наслий омиллар, овқат махсулотларида кальций тузларининг кам бўлиши, витамин D нинг етишмаслиги камхаракатлик ва бошқалар туфайли ривожланиши мумкин. Остеопороз жинсий гармонлар ишлаб чиқарилишини камайиши туфайли айниқса кексаларда (кўпроқ айёлларда) жуда кўп учрайди.

Витамин Е (токоферол³) токоферол гурухига мансуб, биологик хоссалари бўйича ўхшаш бўлган бир қатор бирикмаларни жамлаштиради. 7 та токоферол, уларнинг изомерлари ва синтетик хосиллари маълум. Озуқа махсулотларида α -, β -, γ - токофероллар учрайди. α -токоферол энг фаолдир.

Табиий α -токоферол D – кофигурацияга эга, синтетиги эса α -токоферолнинг тўлиқ рацематидир (DL- α -токоферол). Витамин Е деярли барча овқат махсулотларида бор, айниқса ўсимлик мойларида кўп бўлади. Витамин Е нинг модда алмашинувида тутган ўрни кераклича аниқ эмас.

Витамин Е оксидланиш жараёнини бошқаришда қатнашади деб ҳисобланади. Унинг асосий функцияларидан бирини антиоксидантлик таъсирига боғлашган. Жумладан у тўйинмаган ёғ кислоталарнинг оксидланишини тўхтатиб, уларнинг перекисларини ҳосил бўлишига тўсқинлик қилади деб билишади. Бу атеросклерозни ривожланишида ахамиятга эга, чунки улар простаглицинсинтетаза фаоллигини кескин сусайтиради. Бундан ташқари витамин Е, хужайра нафас олишига таъсир этса керак.

Меъда ичак трактидан овқат таркибидаги витамин Е нинг тахминан ярми сўрилади. Ёғда эрувчи витамин бўлганлигидан унинг абсорбцияси учун сафро кислоталарнинг бўлиши талаб этилади. Аввал витамин Е лимфага, сўнгра умумий қон айланишга тушади. У гипофиз, уруғдон, буйрак усти беши ва бошқа аъзоларда деполанади. Витамин Е ва унинг ўзгариш махсулотлари жигар ва буйрак орқали ажралади.

